

“ТАСДИКЛАЙМАН”

“Тошкент шахар сув таъминоти” МЧЖ директори

Аббасханов М.Н.

/имзо/

05

2022 й.



“Тошкент шахар сув таъминоти” МЧЖ да молиявий ҳисоботлар ва бошқа
молиявий маълумотларнинг 2021 йилги бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонун
хужжатлари ишончлилиги ва мувофиқлигини аниқлаш мақсадида хар йили
молиявий ҳисбот ва тегишли молиявий маълумотларнинг мажбурий аудитини
ўтказиш”

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: «Тошкент шахар сув таъминоти» МЧЖ

Тошкент - 2022 й.

I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1.1. Мазкур танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун (бундан кейин матнда – Қонун деб номланади) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 20.02.2018 йилдаги №ПҚ-3550-сонли Қарори (бундан кейин матнда – Қарор деб номланади) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Танлов предмети

“Тошкент шахар сув таъминоти” МЧЖ да молиявий хисоботлар ва бошқа молиявий маълумотларнинг 2021 йилги бухгалтерия хисоби тўғрисида қонун ҳужжатлари ишончлилиги ва мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ҳар иили молиявий хисобот ва тегишли молиявий маълумотларнинг мажбурий аудитини ўтказиш”

1.3. Танловнинг энг юқори қиймати 120 000 000 ҚҚС билан сўмни ташкил этади.

1.4. Танлов ҳужжатларида кўрсатилган нархлар, энг юқори қийматдан ошиб кетмаслиги керак.

1.5. Хизматлар кўрсатишга техник топшириқ, танлов ҳужжатларининг техника қисмида тақдим этилган.

1.6. Танлов комиссияси йиғилишининг шакли – бевосита мулоқот.

2.1. Танловчи буюртмачиси “Тошкент шахар сув таъминоти” МЧЖ (бундан кейин матнда – Буюртмачи деб номланади) ҳисобланади.

“Буюртмачи”нинг манзили: Тошкент ш., Миробод тумани, Фидокор кўчаси, 2.

“Буюртмачи”нинг реквизитлари: МФО: 00423 СТИР: 201052713 x/p: 20208000504970775001 АИФК: 36000, Банк: “ИПОТЕКА BANK” АТИБ Тел: 78 150-48-59

2.2. Ташкилотчининг мулоқот қилувчи шахси:
Бош ҳисобчи: Бадалова К.Н

2.3. Танловни, Буюртмачи томонидан ташкил қилинган танлов комиссияси ўтказади.

3.1. Танловда, мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин, 4.2 бандда келтирилган юридик шахслар бундан мустасно.

4.1. Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчиси қўйидагиларни амалга ошириши керак:


а) танлов шартлари билан танишиш учун маҳсус ахборот

1. Умумий қоидалар

2. Танлов ташкилотчилари

3. Танлов иштирокчилари

4. Танловни ўтказиш тартиби



порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг
электрон версиясини олиш (юклаб олиш);
б) танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ танлов
таклифини бериш.

4.2. Танловга иштирок этишга қуйидаги иштирокчилар
кўйилмайди:

қайта ташкил қилиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида
бўлганлар;

“Буюртмачи” билан суд ёки арбитраж мухокамаси
ҳолатида бўлганлар;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича
қарздорлиги мавжуд бўлганлар;

имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва/ёки молия
операцияларини амалга оширишда ахборотни ошкор этиш
ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки
худудларда (оффшор худудлари) рўйхатдан ўтган ва банк
хисоб рақамларига эга бўлганлар.

4.3. Қуйидаги ҳолларда Буюртмачи иштирокчини ҳарид
таомилларида иштирок этишдан четлаштиради:

иштирокчи, давлат харидлари жараёнида маълум бир
харакатларни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки
буюртмачининг танлов таомилини қўллашга таъсир
ўтказиш мақсадида, бевосита ёки билвосита тарзда,
Буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай
ишлиб турган ёки собиқ мансабдор шахсига ҳар қандай
шаклдаги мукофот, ишга ёллаш тўғрисида таклиф, ёхуд
бошқа ҳар қандай кимматбаҳо буюмни ёки хизматни
таклиф қиласа, берса ёки беришга розилик билдиrsa;
иштирокчida ноҳақ рақобатчилик имтиёзи ёки
қонунчиликни бузиш борасида манфаатлар қарама-
каршилиги мавжуд бўлса.

5.1. Танлов таклифи ва иштирокчи ҳамда буюртмачи
томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ барча
ёзишмалар, ва ҳужжатлар, ўзбек ёки рус тилида бўлиши
керак. Танлов таклифи бошқа тилда ҳам тузилган бўлиши
мумкин, ўзбек ёки рус тиллардаги аниқ таржима илова
қилиш шарти билан. Биттадан ортиқ тиллар қўлланилган
ҳолларда танлов таклифи матнини ўқишида бир мунча
фарқ мавжуд бўлганда, ўзбек ёки рус тили устивор
хисобланади.

6.1. Танлов иштирокчиси: тақдим этилаётган
маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва
ҳаққонийлиги учун жавоб беради; фақат битта таклиф
беришга ҳақли; бундай таклифларни киритиш муддати
тугагунга қадар киритган таклифини қайтариб олиш ёки
унга ўзгартиришлар киришга ҳақли.

5. *Танлов тили, ўлчов
бирлиги*
6. *Танлов таклифи ва уни
расмийлаштириши тартиби*



6.2. Танлов таклифи икки қисмдан иборат: нарх қисми танлов шартларига мос келиши ва қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак: маҳсулотнинг номи, хизматлар кўрсатиш нархи, якуний сумма, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати ва ҳ.к.

6.3. Иштирокчиларнинг танлов таклифи амал қилиш муддати, танлов таклифларини тақдим этиш тугаган кундан бошлаб камида 10 кун ташкил қилиши керак.

7.1. Зарур ҳолларда Буюргмачи танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қарор, таклифларни бериш муддати тугаши санасидан камида 3 кун олдин қабул қилиниши мумкин.

Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш жараённида маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ёки унинг тавсифларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар, таклифларни бериш тугаган муддатда киритилган тақдирда, танлов, танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан бошлаб камида ўн кунга узайтирилади.

Шу билан бир вақтда танловни ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади, агар эълонда кўрсатилган маълумот ўзгартирилган бўлса.

8.1. Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати, танлов таклифларини бериш тугаган вақтдан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.

8.2. Танлов комиссияси, танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида танлов ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни баҳолашни амалга оширади.

8.3. Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаққоний эмаслиги аниқланган тақдирда, танлов комиссияси бундай иштирокчини танловда иштирок этишдан четлатишига ҳақли.

8.4. Танлов таклифларини баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш, танлов ҳужжатларида (№ 2 Илова) баён этилган мезонлар асосида амалга оширилади.

8.5. Таклифлар Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига мос келса, у лозим тарзда расмийлаштирилган деб эътироф этилади.

8.6. Агар таклифи киритган танлов иштирокчиси, Қонун ва қарорда белгиланган талабларга мос келмаса ёки танлов иштирокчисининг таклифи танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаса, танлов комиссияси таклифни рад этади.

7. Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритishi

8. Баҳолаши тартиби ва мезонлари

8.7. Танлов комиссияси танлов таклифларини баҳолаш жараённида танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов таклифлари борасида тушунтиришларни талаб қилиши мумкин. Ушбу таомил белгиланган тартибда расмий тарзда, ёзма шаклда танлов ташкилотчиси орқали ўтказилади. Тушунтириш жараённида таклифнинг мазмуни, шунингдек нархи бўйича бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

8.8. Агар танлов иштирокчилари таклифларни ҳар хил валюталарда тақдим этсалар, баҳолаш вақтида таклифлар суммалари, танлов таклифининг нарх қисмига оид конвертларни очиш санасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ягона валютага қайта хисоблаб чиқилади.

8.9. Танлов ҳужжатлари ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади.

8.10. Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлганда, танлов комиссияси танлов иштирокчисини хабардор қилган ҳолда танлов таклифини рад этишга ёки уларни кейинчалик кўриб чиқилишининг бошқа шартларини белгилашга ҳақли.

8.11. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари, таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қайд этилади.

8.12. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси **танлов** комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва ушбу баённомадан кўчирма у имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичida маҳсус ахборот порталида чоп этилади.

9.1. Танлов натижаларига кўра шартнома, танлов ҳужжатлари ва шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

9.2. Танлов комиссиясининг қарорига кўра танлов ғолиби деб эълон қилинган танлов иштирокчisi, Буюртмачидан тегишли ёзма хабарнома олади.

9.3. Агар танлов ғолиби танлов шартларида шартнома тузишни рад этса, шартнома тузиш хукуки заҳирадаги бажарувчига ўтади. Бу ҳолда, заҳирадаги бажарувчи, танлов ғолиби томонидан таклиф этилган нархда шартнома тузиши ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

9.4. “Буюртмачи”, кўрсатилган хизматлар учун олдиндан 15% микдорида тўловамалга оширади. Бажарилган хизматлар учун хисоб-китоблар, “Бажарувчи” томонидан йўл варақалари ва 30 календар куни давомида бажарилган ишларнинг тасдиқномалари асосида тақдим қилинган хисоб-фактурулар ва Бажарилган ишлар далолатномасига асосан амалга оширилгандан сўнг қолган 85 % тўлов амалга оширилади.

9. Шартнома тузилиши

**10. Томонларнинг
жавобгарлиги ва
махфийликка риоя этилиши**

10.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган жавобгарлик қўйидаги шахсларга юкландади: келиб тушаётган танлов таклифларининг хисобини юритувчи ва уларнинг сақланиши ҳамда махфийлигини таъминловчи ишчи орган таркибига кирувчи шахслар, комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек танлов таклифларини ўрганиш, маълумотларни ошкор этиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган эксперталар билан тил бириттирилишига йўл қўйилиши, шунингдек бошқа ноқонуний ҳаракатларни ўрганиш учун ташкил этилган ишчи гурӯҳ аъзолари, шартнома бўйича мажбуриятларни (сон, сифат ва техник параметрлар бўйича) бажармаган танлов ғолиби, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва/ёки тузилган шартномада назарда тутилган жавобгарликка тортилади.